"Тўрткўлдонмахсулоти"
маъсулияти чекланган жамияти
12-Сентябрь 2017-йилги
таъсисчиларининг умумий
йиғилишида тасдиқланди

# "Тўрткўлдонмахсулоти" маъсулияти чекланган жамиятининг

# НИЗОМИ

Тўрткўл – 2017-йил

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Жамиятнинг тўлик номи:

Ўзбек тилида: "Тўрткўлдонмахсулоти" маъсулияти чекланган жамияти", (кискартирилган номи) - "Тўрткўлдонмахсулоти" МЧЖ.

Рус тилида: Общество с ограниченной ответственностью "Тўрткўлдонмахсулоти", (кискартирилган номи) - ООО "Тўрткўлдонмахсулоти".

1.2. Жамиятнинг манзили: Қорақалпогистон Республикаси, Тўрткўл тумани, "Уллубог" ОФЙ, 6-бўлим.

1.3. "Тўрткўлдонмахсулоти" маъсулияти чекланган жамияти" (бундан кейин "Жамият" деб юритилади) таъсисчилар умумий йигилишининг 30- Октябрь 2003-йил карорига асосланиб корхонанинг кайта тузилиши натижасида ташкил килинди.

1.4. Жамият юридик шахс бўлиб, ўз-ўзини бошкарувчи таъсисчилар олдида жамият олдидаги жавобгарлигини тасдиклайдиган белгили микдордаги пайларга бўлинган Устав капиталига эга субъект бўлиб топилади. Қорақалпогистон ва Ўзбекистон Республикаларининг Конституциялари билан қўлланилиб келинаётган Низомларига ва жамият Низомига асосланиб, ўз хусусий мулки чегараси доирасидан келиб чиккан холда махсулотларни ишлаб чикариш ёки сотиш, айирбошлаш ва хизмат кўрсатиш ишларини олиб боради.

1.5. Жамият, Низомда кўрсатилган максад ва вазифаларига жавоб берадиган, Қорақалпогистон ва Ўзбекистон Республикаларининг амалдаги конунлари ва конун ҳужжатлари билан тартиблаштирилади.

1.6. Жамият ўзининг мустакил балансига, ўз номи ёзилган муҳри ва штампи, товар белгиси хамда бошка реквизитларга эга бўлади.

1.7. Жамият чекланмаган муддатда фаолият юритади.

## II. ФАОЛИЯТИ, МАКСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Жамият хозирги даврга кераклн ва ўринли деб топилган Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан маън килинмаган барча турдаги иш фаолияти юргизишни ўзининг Низомига киритишга хакли.

2.2. Жамият фаолиятининг асосий максади фойда олишдир.

- жамият уз олдига аник вазифа ва максадларини кўйган холда, юкори даражадаги иктисодий манфаатларга эришиш, бозор иктисодиёти муносабатларига жавоб берадиган хусусий мулкчиликнинг барча турдаги иш фаолиятларини келажакда олиб боришдан иборат.

***<u>Жамиятнинг вазифалари ва иш фаолиятининг турлари куйидагилардан иборат:</u>***

- Ўзбекистон, Мустакил давлатлар хамдустлиги ва чет мамлакатларининг мулк шаклидан катъий назар кишлок хўжалик ишлаб чикарувчилардан донни сотиб олишга ихтисослашган давлат ташкилотларидан донни сотиб олиш;

- дон, ун, арпа, ёрма, нон, макарон ва кандолат маҳсулотларини, омухта ем ишлаб чикариш ва ахолини таъминлаш;

- ишлаб чикариш технологияларини яхшилаш, кенгайтириш ва ишлаб чикаришни модернизациялаштириш, махсулотларни сотиб олиш, навли ва гибридли уруг донларини бошка кишлок хўжалик махсулотларини сотиб олиш, уларни давлат корхоналарига ва ташкилотларига хамда бошка харидорларнинг талаби бўйича бериш, дон ва нон маҳсулотлари сакланишини таъминлаш;

- жамият уз номидан шартнома ва битимларни тузиш, Низомда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шуъба корхоналари ташкил килиш;

- махсус рухсатнома (лицензия) талаб килинадиган иш фаолиятини олиб бориш учун белгиланган тартибда лицензия олиш;

- лицензия асосида экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;

- конунчилик билан белгиланган тартибда ташки иктисодий фаолият билан шугулланиш;

- конунчилик билан белгиланган тартибда кўчар ва кўчмас мулк, мулкий ва номулкий хукукларини хамда интеллектуал мулкни эгаликка сотиб олиш, кабул килиш, ижарага бериш ва ижарага олиш;

- кишлок хўжалик ва чорва махсулотларини етиштирувчи ёрдамчи хўжаликларни ташкил килиш;

- конунчилик билан белгиланган диверсификация тартибида бошка иш фаолиятини олиб бориш;

## III. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. ***Жамият ҳуқуқлари:***

3.1.1. Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва норматив хужжатлари асосида ўзининг молиявий хўжалик ва бошка иш фаолияти вазифаларини тайёрлаш ва тасдиклаш.

3.1.2. Юридик ва жисмоний шахслар билан сухбатлар ўтказиш, шартнома ва контракт битимларига имзо чекиш, кредит ва сугурта шартлари билан комиссиялар ва бошка юридик хужжатлар асосида хар хил битимлар тузиш;

3.1.3. Ўзбекистон Республикаси худудида ва ташкарида кўчар ва кўчмас мулкни сотиб олиш, ижарага бериш ва олишлар.

3.1.4. Амалдаги конунчилик асосида лицензияланадиган иш фаолиятини амалга ошириш учун давлат ташкилотларидан лицензия олиш.

3.1.5. Жисмоний ва юридик тарафларга шартнома асосида ўзининг мулкий ва моддий маблагларини бериш ва шу маблаглар оркали уларнинг хўжалик, хамкорлик, молия ва бошка иш харакатларида катнашиш.

3.1.6. Амалдаги конунчилик асосида Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташкарида ўзининг махсулотларини, иш ва хизматларини эркин конвертацияланадиган валютасида реализация килиш.

3.1.7. Амалдаги конунчилик асосида таъсисчи сифатида юридик хукукига эга бўлган, ўзининг янги хўжалик структураларини, шўъба корхоналарни, чет элдаги хамкорлар билан бирга кўшма корхоналарни, шу билан бирга банкларда хисоб ракамларини очиш хукукларига эга бўлган ўзининг филиал ва бўлимларини ташкил килиш хамда уларни иш вазифаларини хукук ва мажбуриятлари тўгрисидаги Режани тасдиклаш.

3.1.8. Юридик ва жисмоний тарафлардан олинган бир марталик ишонч когозлари оркали Узбекистан Республикаси ва ундан ташкарида бошка корхоналар, идоралар, фирмалар, юридик ва физик тарафларни, шунинг билан бирга чет элларда, уларнинг вакиллари сифатида иш олиб бориш.

3.1.9. Узининг структурасини, иморатларини узича аниклаш ва узгартириш, мехнат хаки системаларини, мехнат натижалари сифатини ва улчамини иктисодий жихатдан рагбатлантиришни аниклаш.

3.1.10. Юридик шахс булмай туриб подряд шартномалар тузиб, илмий техник, рационализаторлик, даллолчилик фирмаси ва бошка жамоаларни узлуксиз ва вактинча турларини очиш.

3.1.11. Мамлакат ва жамият бошкарув бирлашмаларига жамият иш ва чора тадбирлари буйича тушунтиришлар бериш ва уларни куллаб-кувватлашишида катнашиш.

3.2. Жамият мажбуриятлари:

3.2.1. Амалдаги конунчиликка мувофик норматив хукукий хужжатлар ва жамият томонидан тузилган шартномалар, контрактлар, битимлардан келиб чикадиган мажбуриятларни бажариш, эркин турдаги шартларига мувофик бозор коидаларига буйсуниш.

3.2.2. Пай эгалари орасида соф даромадларини таксимлаш мажбуриятларини сузсиз бажариш.

3.2.3. Амалдаги конунчиликка мувофик Жамиятга ишга олинган ишчи ходимларни ижтимоий рагбатлантириш, согликни саклаш, техника хавфсизлиги, ёнгинга карши хавфсизлигини, санитария-гигиена, атроф мухитни мухофаза килиш билан боглик вазифаларни бажариш.

## IV. ПАЙЧИЛАР ХУКУКЛАРИ БИЛАН МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Жамият мулкига кушган пай улушлари хажмига карамасдан, улар Жамият вазифаларини тасдиклаш ва бошкаришда тенг хукукларга эга. Пай эгалари барча куриладиган масалалар ечимини пайчилар умумий йигилишларида келишувлар асосида маъкулланади.

4.2. Пай эгалари Жамият мулки эгалари булиб хисобланиб, куйидаги хукукларга эга.

- Жамият пай эгалари реестри тизимга олиниш;
- Жамият бошкарувига катнашиш;
- Жамият фойдасидан бир булагини дивидент турида олиш;
- Барча куриладиган масалаларни ечишда узининг овоз бериш хукукига эга булиб, пайчилар йигилишида катнашиш;
- Жамият Низомига мувофик Жамият молиявий хужалик фаолияти натижалар хакида тулик ва аник маълумотлар олиш;
- Кушган мехнат улуши, пайчилар сони ва мулкка кушган улушига кура Жамият фаолияти натижаларида олинган фойдасини олиш;
- Жамиятни тузишда Жамият мулкининг бир булагини узининг пайига караб олиш;
- Уз манфаатларини кузлаб ассоциация ва бошка бир жамият таъсисчиларига бирлашиш;
- Олдин келишув билан белгиланган иш хакини олиш ёки жамият фойдасини таксимланганда узининг улушини орттириш асосида Жамият ишига катнашиш;
- Аввал бошка пай эгаларига хабар бериб, ревизиялар, молиявий хужалик ишларини аудиторлик текширувини ташкиллаштириш, бухгалтерия хисоб китобларини, тулов топшириклар ва бошка хужжатлардан нусха текширишни ташкиллаштириш йули билан Жамиятни ишларини назорат килиш;
- Узининг Низом капиталига кушган улушини айириб олиш, бошка пай эгаларига сотиш, Жамият пай эгалари тизимидан чикиш. Пай эгалари кушган улуши пай эгалари умумий йигилиши карори билан аникланади.

4.3. Пай эгаларини мажбуриятлари.

- Таъсисчилар шартномасига асосан Жамият Низом капиталига узларини улушини кушиш;
- курсатилган Низом ва таъсисчилар шартномаси шартларини бажариш;
- Тижорат сирини саклаш;
- Бошка пай эгаларини рухсатини олмай туриб, Жамият мулкини уз манфаатига ёки бошка бир ёт тарафлар манфаатини кабулламаслик.

## V. ХУЖАЛИК ВАЗИФАЛАРИ АСОСИ

5.1. Жамият вазифаларининг умумлашган асоси фойда-даромад олиш хисобланади.

5.2. Солик ва бошка мажбурий туловлардан кейинги Жамиятнинг фойдаси Жамият ихтиёрида колади ва Низомда курсатилган шартлардан бошка вактларда хеч ким тарафидан олинмайди. Жамият фойдасини таксимлаш йуналишларини узи белгилайди.

5.3. Жамият ходимларини меҳнат маблағлари уларнинг хусусий мулк улуши билан жамият мажбуриятларининг натижалари хисобига мувофик аникланади, солик билан тартибланади ва максимал улчамлар билан чекланмайди.

5.4. Жамият ходимлари меҳнат хаки минимал улчами Узбекистон Республикаси конунчилик асосларида жамият тарафидан белгиланади.

## VI. ЖАМИЯТ НИЗОМ ЖАМГАРМАСИ, МУЛК ВА ФОЙДАНИ ТАКСИМЛАШ

6.1. Жамият уз балансида курсатилган амалдаги фондлар билан айланма маблаглар хамда бошкада бойликлари жамият мулки булиб хисобланади. Жамият мулкининг хажми ва бахоси чекланмайди.

6.2. Жамиятнинг Низом жамгармаси таъсисчилар шартномасининг режаларига мувофик 23357300 (йигирма уч миллион уч юз эллик етти минг уч юз) сум булиб, сотиб олинган акциялар билан тулик кушилган моддий бойликлар маблагларидан иборат.

6.3. Низом жамгармаси соликлаштиришдан озод этилади.

6.4. Низом жамгармасининг микдори пай эгаларининг карори билан купайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Низом жамгармасига улушларининг микдорига кушимча улушларнинг таъсири тугрисидаги масалалар пай эгаларининг умумий йигилишида ечилади. Низом жамгармасининг купайтирилиши ёки камайтирилиши Узбекистон Республикаси конунчилиги асосида амалга оширилади.

6.5. Жамият Низом жамгармаси тулиги билан тузилгандан сунг, пай улушларининг руйхатини тузади ва пай эгаларига Низом жамгармасига кушилган улушига мувофик тегишли хужжат (сертификат) берилади. У сертификатлар факат пай эгалари уртасида таксимланади.

6.6. Жамият мулкининг келиб чикиш томонлари:

- пай эгаларининг бошка бир пул ва мулк шаклидаги маблаглари;
- фаолиятдан келиб тушган даромадлари;
- кимматбахо когозларни сотишдан келиб тушган даромадлари;
- банк ёки бошка карз бурвчилардан олинган карзлар;
- бюджетдан келиб тушган капитал тушумлар билан дотациялар;
- юридик ва жисмоний шахслардан текин ва хайр саховат туловлари;
- конунчилик билан маън килинмаган бошка бир харакатлар;

6.7. Жамият пай эгаларининг карори билан амалдаги конунчилик ва ушбу Низомга мувофик уз мулкига эгалик этишга ва фойдаланишга хакли;

6.8. Жамият касаба ва ижтимоий таъминотни ривожлантириш максадида кушимча харажатларни келтириш учун амалдаги конунчиликка мувофик кимматбахо когозлар (облигациялар) чикаришга ва сотишга хакли.

6.9. Пай эгаларининг сертификатларини кайтиб сотиб олиш учун ва келган зарарларни тиклаш учун жамият Резерв фондини тузади. Резерв фонди Низом капиталининг 20 % дан иборат. Шу даражага етгунча жамият узининг соф фойдасидан 5 % микдоригача маблагларни хар йили Резерв фондига утказиб туради. Резерв фонди Низомда курсатилган максадларгагина ишлатилиши шарт.

6.10. Жамиятнинг топган фойдаси моддий чикимларга, солик ва бошка шартли турдаги туловларга, реинвестицияларни амалга оширишга хамда жамият ходимларининг иш хаки туловларига ишлатилади. Шулардан колган фойда жамиятнинг соф фойдаси булиб хисобланади ва у пай эгаларига тегишли булган улушларга пропорционал турда дивидендлар тулаш учун сарфланади.

6.11. Дивиденд таксимлаш йилига бир марта ёки йил натижалари буйича йилига 2 марта (оралик дивидендлар) булади, уларнинг микдорини пай эгаларининг умумий йигилиши аниклайди.

## VII. ЖАМИЯТ БОШКАРУВ ОРГАНЛАРИ

7. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига Уздонмахсулот акционерлик компанияси томонидан сайланадиган кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг 26%идан кам булмаслиги;

- Кузатув кенгаши вазифасига кирадиган барча масалалар буйича карорлар кузатув кенгаши аъзоларининг 4 дан 3 кисмига эгалик этувчи акционерлар тулик булгандан кейин купчилик овоз билан кабул килиниши;

- Бажарувчи орган бошлиги ва унинг шахсий таркиби акционерларнинг умумий йигилишида катнашувчи овоз берувчи акцияларнинг 4 дан 3 кисмига эгалик этувчи акционерларнинг купчилик овоз билан кабул килиниши;

- Корхоналар ва уларнинг филиаллари бошликларига рахбарлик ва касб тажрибасига эга булган ходимлар «Уздонмахсулот» ДАК, давлат мулк кумитаси хамда Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, вилоят ва Тошкент шахар хокимиятлари томонидан альтернатив шаклда танланади ва акционерлар (таъсисчиларнинг) умумий йигилишлари ёки кузатув кенгашларига тайёрлаш учун таклим килинади.

7.1. Жамиятни бошкариш «Маъсулияти чекланган ва кушимча маъсулиятли жамиятлар тугрисида»ги 6 декабр 2001 йил Узбекистон Республикаси Конуни ва Ушбу Низом асосида амалга оширилади. Жамиятни бошкаришни юкоридаги жамият – пай эгаларининг умумий йигилиши ва Бошкарув аппарати - Бошкарма амалга оширади.

7.2. Пай эгаларининг умумий йигилиши барча пай эгаларининг ёки уларнинг вакилларининг тулик катнашувида амалга оширилади.

7.3. Пай эгаларининг умумий йигилишининг карори, шу йигилишда барча пай эгаларидан купчилик овоз берилганда амалда кабулланган деб хисобланади.

7.4. Пай эгалари умумий йигилишининг асосий саволларига куйидагилар киради:

- жамият Низомига узгартириш ва кушимчалар киритиш ёки янги тартибдаги Низомни тасдиклаш;

- жамиятни кайта ташкил этиш, бирлаштириш, бирлаштириш комиссиясини тайинлаш, оралик ва жамгариш балансини тасдиклаш;

- жамият Низом жамгармасини купайтириш ёки камайтириш;

- бошкарма бошлигини ва аъзоларини тайинлаш;

- уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тухтатиш;

- жамият тафтиш комиссияси бошлигини ва аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тухтатиш;

- жамиятнинг йиллик хисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлар хисоботларини тасдиклаш, фойда ва зарарларни таксимлаш;

- конунчиликда назарда тутилган бошка масалаларни куриб чикиш.

7.5. Пай эгаларининг хар йиллик умумий йигилишини утказиш тугрисида пай эгаларини хабардор килиш муддати 30 кун. Пай эгаларининг хар йиллик умумий йигилиши молия йили тамом булгандан кейин 6 ой ичида утказиш керак.

7.6. Умумий йигилишга чакириш ва унинг билан боглик бошка масалаларини ечиш бошкарма бошлигига юклаш.

7.7. Пай эгаларини йигилиши жамиятнинг иш фаолиятига боглик бошка масалаларни хам куриб чикишга хакли.

7.8. Пай эгалари орасида, шунингдек, ундан ташкари сайланадиган Бошкарма Жамиятнинг Бошкарув аппарати булиб хисобланади.

7.9. Бошкарма жамиятнинг кундалик иш фаолиятига рахбарлик фаолиятини олиб боради. Бошкарма фаолиятини рахбар бошкаради. У бу лавозимга пай эгаларининг умумий йигилиши томонидан тайинланади.

7.10. Бошкарма бошлиги:

- пай эгаларининг умумий йигилиши пайчилар орасидан ёки ташкаридан тайинланади;

- жамият иш фаолиятида конунчиликни саклайди;
- жамият томонидан юкори ташкилотлар ва фукаролар билан иш олиб боради;
- пайчиларнинг умумий йигилишига йил хисоботи ва балансини такдим килади;
- тасдикланган смета оркали (накд ёки накдсиз турда) жамиятнинг мулки ва пул маблаглари билан иш олиб боради.
- банкларда хисоблаш ва бошка хисоб ракамларини очади;
- пайчилар олдида жамиятнинг мулки ва пул харажатларининг харакатлари тугрисида хисобот беради;
- ишчи-ходимларни ишга кабул килиш масалаларини ечади;
- шартномалар тузади;
- барча ходимларга шартли равишда бажарадиган буйрук ва топшириклари чикаради;
- Низом хужжатларида назарда тутилган бошка масалаларни ечади.

7.11. Тафтиш комиссияси:

Жамиятнинг молиявий хужалик фаолиятини ривожлантириш учун пайчиларнинг умумий йигилишида тафтиш комиссиясини сайлайди. Унинг вазифаларини ва аъзолари сонини пайчиларнинг умумий йигилиши тасдиклайди.

7.12. Тафтиш комиссияси бошлиги ва аъзоларининг мажбуриятлари:
- жамият бошкарув, моддий жавобгарлик лавозимида ишлаш хукукига эга эмас;
- тафтиш комиссияси мажбурияти тугрисида пайчиларнинг умумий йигилишида тегишли режа тузади;
- пайчиларнинг умумий йигилиши томонидан юкланган вазифаларга лойик топширмалари орасида уз иш фаолиятини олиб боради ва конунчиликда назарда тутилган бошка масалаларни ечади.

7.13. Пайчиларнинг умумий йигилишининг ва бошкарманинг иш тартиби, хукуклари ва мажбуриятлари, шунингдек, улар томонидан карорлар кабул этиш тартиби пайчиларнинг умумий йигилишида тасдикланган режалар билан белгиланади.

## VIII. ЖАМИЯТНИНГ МЕХНАТ ИШТИРОКЧИЛАРИ

8.1. Жамият олдига куйилган максад ва мажбуриятларга, молиявий хужалик иш фаолиятини амалга ошириш учун Узбекистон Республикаси фукароларидан ташкари, чет эл фукароларини хам мехнат фаолиятига жалб килиш мумкин.

8.2. Ишга кабул килиш мехнат шартномаси асосида амалга оширилади. Ишга кабул килинган фукаролар Узбекистон Республикаси Конунчилигига буйсунади.

8.3. Жамиятда фаолият юритаётган ходимларни Узбекистон Республикасидаги амалдаги конунчиликка асосан хавфсизлик ва ижтимоий химоя килинади.

8.4. Жамият мехнат иш хакини тулаш формаларини, шунингдек, бошка топиш даромадларини хизматчилар орасида таксимлаш, штат жадвалини тузади.

8.5. Мехнат тартиби билан мазмуни, мехнат иш хаки туловлари жамиятнинг ички тартиб коидалари билан аникланади.

8.6. Жамият ходимлари учун енгилликлар ва узгартиришлар жамият пай эгаларининг умумий йигилишида аникланади.

8.7. Жамият билан ходимлар уртасида буладиган тортишувлар амалдаги конунчилик асосида ечилади.

## IX. ХИСОБГА ОЛИШ, ХИСОБОТ БЕРИШ ВА ЖАВОБГАРЛИК

9.1. Жамият уз фаолияти натижаларини оператив ва бухгалтериявий хисоботларини хисобга олади, давлат статистика органлари томонидан тасдикланган шаклларда статистик хисобот беради.

9.2. Хисоботнинг барча турлари пайчиларнинг умумий йигилишида тасдикланади.

9.3. Шартнома мажбуриятлари, кредит хисоби ва солик тартиби, махсулотлрнинг сифат курсаткич талаблари, иш фаолиятини амалга ошириш коидаларини бузгани учун, жамият уз балансида курсатилган барча мулклари билан жавоб беради.

## X. НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА КЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

10.1. Жамият пайчиларининг 10% дан кам булмаган аъзолари Низомга узгартириш ва кушимчалар киритиш хукукига эга.

10.2. Низомга узгартириш ва кушимчалар киритиш пайчиларнинг умумий йигилишида тасдикланиши шарт, кучга эга булган Низом хокимият карори билан давлат руйхатидан утказилиши лозим.

## XI. ЖАМИЯТ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

11.1. Жамиятнинг иш фаолияти тухтатилиши:

- пайчиларнинг умумий йигилиши карори билан;
- суд карори билан.

11.2. Жамиятнинг иш фаолияти тухтатилиши, кайтадан ташкил килиш (кушиб юбориш, кушиб олиш, булиш, ажратиб чикариш ва узгартириш) шаклида амалга оширилади.

11.3. Жамиятни тугатилиши пайчиларнинг умумий йигилишида тасдикланган Тугатиш комиссияси томонидан утказилади. Жамият бошка тараф карори билан тугатилганда Тугатиш комиссияси шу тарафга бекитилади.

11.4. Тугатиш комиссияси тасдикланган вактдан бошлаб Жамият ишларини бошкариш вазифалари шу комиссия зиммасига юклатилади. Тугатиш комиссияси Жамиятнинг барча бор мулкини бахосини чикаради. Унинг дебиторлари ва кредиторларини аниклаб, улар билан хисоб-китоб юритади. Жамиятнинг бошка бир тарафлардан ва ходимлар олдидаги карзларини тулаш амалга оширилади ва тугатиш баланси тузилади.

11.5. Барча кредиторлар олдидаги карзларни тулаб булгандан сунг, колган мулк Жамият пайчилари орасида уларнинг мулкка кушган улушига караб пропорционал турда таксимланади.

11.6. Барча талаблар Жамиятнинг ёпилиши тугрисида эълон чикгандан кейин бир ой давомида кабул килинади.

11.7. Давлат субъектларини руйхатга олиш идораларидан давлат реестрига Жамиятнинг фаолияти тухтатилганлиги хакида тегишли ёзувлар киритилгандан кейин Жамият тулик тугатилган деб хисобланади.

11.8. Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилиги буйича Жамият пайчилар ва Жамият шерикларига Тугатиш комиссияси томонидан келтирилган зарар шу комиссиянинг мулкий жавобгарлигига эга.

## XII. ЯКУНИЙ КИСМ

12.1. Давлат Ўзбекистон Республикаси ва Коракалпогистон Республикасининг амалдаги конунчиликка таянган холда хукукни мухофаза килиш хамда мухофаза усулларини куллайдиган институтлари оркали, Жамият ва унинг пай эгаларининг хукуклари билан манфаатларини саклашга кафолат беради.

"Турткулпиллахсулоти" масъулияти чекланган жамияти бошкарув раиси: А.Раиметов